2022 yil – Inson qadrini ulug‘lash va faol mahalla yili

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2022-yil 20-yanvar, payshanba | № 02 (9166)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Муносабат

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР ИЛҒОР ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИЛАДИ

Мамлакатимизда илк Президент мактаблари қурила бошлаганда давлатимиз раҳбари улар бошқа ўрта таълим муассасалари учун андоза бўлишини, таълим муҳитини ўзгартиришини таъкидлаган эди. Бугун шундай бўлмоқда. Жамиятимизда илмга интилиш сезиларли даражада кучайди. Фарзандини яхши ўқитаман деган ота-оналар, ўқишга қизиққан ёшлар сони кўпайди.

Бу Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди.

Маълумотларга кўра, 2019 йилда юртимизда ихтисослаштирилган мактаблар сони 271 тани ташкил этган. Президентимизнинг аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатишга оид ташаббуслари, қабул қилган қарорлари натижасида математика ва физика фанлари бўйича 126 та, кимё-биология бўйича 87 та, ахборот технологиялари йўналишида 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилиб, халқ таълими тизимидаги бундай мактаблар сони 790 тага етди.

Эътиборлиси, уларнинг 135 таси тўлиқ ихтисослаштирилган ва ўз ётоқхонасига эга. Қолган 655 та мактабда атиги 25 фоиз синфларда у ёки бу фан чуқур ўргатилади. Улардаги таълим дастури, ўқитиш методикаси, фан тўгараклари оддий мактаблардан деярли фарқ қилмайди. Мисол учун, математика ёки чет тилига ихтисослашган синфларда 2 соат кўпроқ махсус фан ўтилади, холос.

Қайд этиш керак, бугунги давр талаби, келгусидаги тараққиёт суръатига муносиб бўлиш учун бу етарли эмас. Ихтисослаштирилган мактаблар қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш борасидаги ишларни амалга оширишни изчил давом эттириш керак.

Эътиборли жиҳати, ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилади. Агентлик фақат 14 та мактаб учун тузилмагани, Президент мактабларидаги муҳит, методикани бошқа мактабларда ҳам жорий этиш асосий вазифа эканлиги давлат раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

Шу боисдан янги ўқув йилидан бошлаб, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида иккитадан, туман ва шаҳарларда биттадан мактаб танлаб олиниб, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказиладиган бўлди. Бунда ўша ҳудудда ривожланган тармоқлар, азалдан кучли ўқитилган фанларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Ихтисослаштирилган мактабларга қабул тартиби, ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолаш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш кераклиги айтилди. Йиғилишда мактаб таълимини ривожлантиришга маҳаллий ҳокимликлар, университетлар ҳам масъул экани, ўзлари учун истиқболли кадрлар захирасини тайёрлаб бориши зарурлиги таъкидланди.

Таълим даражаси, аввало, ўқитувчининг билим ва малакасига боғлиқ. Шу боис ихтисослаштирилган мактабларга раҳбар ва педагоглар икки босқичли танлов асосида қабул қилинади. Президент таълим муассасалари агентлигига ушбу тизим асосида юқори малакали ўқитувчиларни жамлаб, қўшимча ўқитиш, миллий ва халқаро сертификатлар олишига кўмаклашиш топширилди.

Таъкидланганидек, агентликнинг Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази негизида илмий марказ ташкил этиш вазифаси қўйилди. У ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир йўналиши бўйича халқаро методика асосида илғор таълим дастурлари ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бу ишларни самарали ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда Президент таълим муассасалари агентлигининг ҳудудий бўлимлари ташкил этилади. Йиғилишда мактабларда хорижий тилларни ўқитиш сифати пастлигини кескин танқид қилинди. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги бошқа мактабларда ҳам таълим сифатини ошириш, фанлар ва хорижий тилларни чуқур ўргатиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг таълим тизимига, келажагимиз эгалари – фарзандларимизнинг пухта таълим-тарбияолишига доимий эътибор қаратаётгани алоҳида эътирофга сазовор. Чунки, таълим бу – тараққиёт, таълим бу – нажотдир. Ривожланишимиз, дунё давлатлари орасида тутган ўрнимиз ва обрўйимизни айнан таълим, илм-фан белгилаб беради.

Урол ЎРОЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.
ЎзА

ЛИМОН ЕТИШТИРУВЧИЛАРГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, лимон етиштирадиган қишлоқ хўжалиги ташкилотлари харид қилган муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш қурилмалари қийматининг 30 фоизгача қисми Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Қарор билан бу бўйича низом тасдиқланди.

Низомга кўра, талабгорлар (қишлоқ хўжалиги ташкилотлари) муқобил энергия қурилмаси ўрнатилган иссиқхона ишга туширилгандан сўнг субсидия олиш учун туман комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Туман комиссияси мурожаат келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида талабгор томонидан ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Талабгорлар Комиссиянинг ижобий хулосасини олгач 5 кун ичида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига тегишли ҳужжатларни тақдим қилади.

Ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Агентлик уларни ўрганиб чиқиб, Кенгаш қарори қабул қилинган кундан бошлаб 1 ой ичида субсидия ажратади ёки рад этилса, бу ҳақда талабгорни хабардор қилади.

Агентлик 5 йил мобайнида, ҳар йил камида бир маротаба шартномада кўрсатилган параметрлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

Шунингдек, қарорга кўра янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир сотих учун 300 минг сўмгача миқдорда субсидия сифатида қоплаб берилади.

Субсидия лимонзорлар барпо этиш ишлари якунланиб, туман ишчи комиссиясининг уларни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тасдиқланган далолатномалари Агентликка тақдим этилгандан сўнг 1 ой муддатда ажратилади.

ЎзА

ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРНИ БЕРАДИ?

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш устувор йўналишлардан этиб белгиланган.

2

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ – КЕЛАЖАК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланади. Улар нафақат республика, балки ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

БМТ дунё мамлакатларига фуқаролар билан юзага келадиган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ечими ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг демографик кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камида бир маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тавсия этади. Афсуски, юртимизда мустақилликдан сўнг кенг кўламда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган. Шу боис, мамлакатимизда илк бор 2023 йилда ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига айни пайтда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллати, элатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий мавқеимиздан қатъий назар бирдек манфаатдормиз. Боиси, мазкур йирик ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони, фуқаролиги, никоҳ ҳолати яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки эрта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси, яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сони, уй хўжалигининг яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича мавжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, қишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

Бугунги кунда БМТ дунё мамлакатларини ҳар 10 йилда камида бир маротаба ўз аҳолисини рўйхатга олишга даъват этади. Шу важдан, аксарият мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ҳар 10 йилда бир маротаба ўтказилади. Хўш, нега айнан 10 йилда бир марта? Бунинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Аввало, 10 йил ичида жамиятда салмоқли ўзгаришлар рўй беради. Аввалги рўйхатга олиш усуллари самарадорлиги сезиларли даражада камайиши сабабли, сўровномалар мазмунига тузатишлар, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш усулларига замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

(Давоми 4-саҳифада)

“ТЎРАҚЎРҒОН ТАЖРИБАСИ” ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Тўрақўрғон ҳам йилдан-йилга ривожланган, обод туманга айланмоқда. Унинг шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларида рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар кўламидан кўз қувониб, кўнгиллар яйрайди. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, якунланган йилда эришилган натижалар кўҳна ва навқирон туманнинг порлоқ эртасидан далолат бериб турибди.

3

Лола Муротова: фермер бўламан деган киши борки, қўллаб-қувватладим ва яхши ерларни уларга тавсия қилдим.

ЯНГИ ЕРЛАРДА ЯНГИ БОҒЛАР

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Фарғона вилоятида ўзлашмаган қир-адирларни ўзлаштириш ҳисобига экинзорларни кенгайтириш кенг қулоч ёймоқда. Аслида вилоятда ўзлашмаган бўз ерлар, чўл ҳудудлари қолмаган. Шундай бўлса-да қир-адирлар ва қип-қизил дашт ерлар ҳисобига экинзорларни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Водийнинг Марказий Фарғона ерлари деб аталмиш Қизилтепа массиви ўтган асрнинг 60-70 йиллари ўзлаштирилган ерлар сирасига киради.

Бу чўл ерлари ҳозирги даврга келиб мўл ҳосил берадиган унумдор ерларга айланганини кўрганларга "ўтмишда бу ҳудудлар қамишзорлар, тепаликлар, қум барханлари, чангалзорлардан иборат эди, ёввойи ва йиртқич ҳайвонларга макон эди", десангиз сира ишонгиси келмайди. Ёзёвон, Бўз, Улуғнор каби бир-бирига туташган қўшни туманлар водийдаги чўл ҳудудида ташкил этилган энг кенжа туманлардан бўлиб, улар охирги ўзлаштирилган ерлар бағрида вужудга келган. Бу туманлар ҳозир обод бўлиб кетган, ташриф буюрган кишига "бундан 50-60 йиллар бурун чўл эди бу ерлар" десангиз ишониши қийин.

Бу борада ер билан тиллашишнинг, ундан мўл ҳосил олишнинг асл билимдон профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола опа Муротова билан суҳбат қилгимиз келади. Опага мақсадимизни айтиб, саволимизни бердик. Унинг тасарруфидаги ҳозирги ерлари бундан 50-60 йил илгари бўз тупроқли чўл эди.

– Аввал бу ерга ер тузувчилар, ирригаторлар, мелиораторлар, бульдозерчилар, скреперчилар чиқишган, – дея хотирлайди Лола опа. – Отам ва унга ўхшаган қалб амри билан чўлга отланганлар кейинроқ чўлга чиқишган. Мен қишлоқда бригада тракторчиси эдим, комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб шу ерга йўллашди. Кўримсизроқ дала шийпонида бир гуруҳ қизлар алоҳида, эркаклар алоҳида тунаб қолардик. Чарчоқ шу даражада эдики, кечки овқатга тўйиб-тўймай ухлаб қолардик. Ҳосилдорлик паст эди. Оғир шароитда ишлардик. Лекин кимсан комсомол ёшлар бригадаси номини олганимиз учун ўша давр муҳитида ғурурланганимиздан бирортамиз ишни ташлаб кетмасдик. Туманнинг ўша пайтдаги Усмонали Бегматов деган биринчи раҳбари тез-тез хабар олгани келиб, кўнглимизни кўтариб кетарди. Совға-саломлар келтириб берарди. Кўп ўтмай шу ерларда тузилган колхозга мени раис этиб сайладилар. Энди менинг зиммамдаги масъулият анча катта эканига амин бўлиб, бутун хўжаликни оёққа турғизиб иш бошладим. Мустақилликка эришганимиздан кўп ўтмай ширкат хўжалиги битирилиб, фермерлик ҳаракати авж олдирилди. Мен фермер бўламан деган киши борки, қўллаб-қувватладим ва яхши ерларни уларга тавсия қилдим. Охири улар олмаган чекка ердаги экинзорларни ўзимга олиб фермер хўжалиги туздим. Мени қачон қараманг даладан топишингиз мумкин эди. Ҳар туп ғўза ўз фарзандимдай бўлиб қолган ва унга ғамхўрлик қилаётганим учун экин атрофидан кетолмасдим... Ҳаётимда режани бажармаган йилим бўлмаган. Зафар маррасини тезроқ уддалашга сира қизиқмасдим. Мени бирга ишлаётган бир юз эллик одамнинг тақдири қизиқтирарди. Уларнинг яшаш шароитини ўнглаш бурчим эди. Мен ордендор бўлишни хаёлимга келтирмадим, пул орқасидан қувмадим, амалга интилмадим. Кейин билсам буларнинг ҳаммаси менинг орқамдан қувиб юрган экан. Давлатимиз раҳбарининг назарига тушган эканман, халқ мени қўллаб-қувватлаб турган экан...

Опа тасвирлаган мана шу чўллар, қум барханлари, қамишзорлар, бутазорлар, ботқоқзорлар ўрнида энди ажойиб экинзорлар, боғлар, қишлоқлар барпо бўлган. Бу ободликни, яшилликни кўриб туриб, "қаерда ўзлашмаган ер қолган экан" деган ўринли савол туғилиши мумкин. Ўзлашмаган ерлар биргина Фарғона вилоятини оладиган бўлсак, унинг қир-адирларида, даштларида қолганини кўрамиз. Ахир яқин йилларда ҳам қирлардаги ерлар ўзлаштирилади деса ишонмай "Қандай қилиб у ерларга сув чиқарилади" деб бош қашишарди.

Масалан, Фарғона вилоятида тоғларга, дашт ва қир-адирларга туташган туманларда ана шундай ўзлаштирилмаган ерларга қўл урилаётганига ёки ҳисобдан чиқиб кетган ерларни қайта ҳисобга киритиш бошланганига нари борса 4-5 йил бўлди, холос. Бу эзгу орзуларнинг амалга ошаётганидан дарак беради. Бундан икки-уч йил бурун қўшни Тожикистонга чегарадош бўлган Бешариқ туманида

"Адиробод" қир ва дашт ерларини ўзлаштириш бошланганини кўриб, кўпчилик ҳайратдан ёқа ушлаган. Ўшанда ёшларга ер бериш, уларни иш билан таъминлаш ташаббуси мамлакат раҳбаридан чиққан эди ва бу ишга вилоят, туман ҳокимлари бош-қош бўлди. Ирригаторлар сув чиқариш иши билан банд бўлди. Бир неча жойдан суғорма тик қудуқлари қазилди.

– Мен ўша пайтда Бешариқ тумани ирригация бўлимида ёшларнинг сардори эдим, – дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бош мутахассиси Иқболжон Ўсаров. – Одам қўли ҳали тегмаган қир-адир ерларига кетмон урса чангиб кетарди. Туманнинг турли қишлоқларидан келиб, меҳнатга бел боғлаган ва тоғни урса талқон қилгудек шижоатга эга ёшлар ҳеч иккиланмай ишга киришиб кетдилар. Тез орада 2 минг гектардан ортиқ ер ўзлаштирилди ва ер оламан, деҳқончилик қиламан деган ёшларга 0,50 сотихдан ер ажратиб берилди. Туманнинг ҳар-ҳар жойига сув чиқариш машиналарини ўрнатишди. Тик суғорма қудуқларидан шаффоф сув чиқарилди. Ёшлар олган ерларига дастлаб тут кўчатлари экдилар. Бунинг боиси анча йиллардан бери пиллачиликнинг асосий озуқа базаси ҳисобланган тут дарахтлари камайиб кетганида эди. Тут плантацияларини яратганларга давлатимиз алоҳида имтиёз берган. Солиқдан улар маълум йилларга озод қилиниши белгиланган. Қолаверса тут плантациялари оралиғига озиқ-овқат экинлари, тарвуз, қовун, дуккакли экинлар экилди ва мўл ҳосил олинди.

Ана шундан кейин "Шодақозиқ" адирларини ўзлаштиришга киришилди. "Кўпчиликдан куён қочиб қутулмас" деганларидек, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, қисқа вақт ичида адир ерларини ўзлаштирдилар ва ер остидан тик қудуқ қазилиб, суғорма сув чиқарилди. Жами минг гектар ер ўзлаштирилиб, аҳолининг кам таъминланган, ерга муҳтож оилаларига бўлиб берилди. Бу ишга кўплаб қудратли техникалар сафарбар этилди. Тик дренажлар орқали чиқарилган сувлардан тежаб-тергаб фойдаланиш чоралари кўрилди. Энг муҳими, янги ўзлаштирилган ерлар ишсиз юрган ёшларга бўлиб берилгани ўша хонадонларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга туртки бўлди. Ерлар 50 йилга ижарага берилгани учун ҳар бир ёш экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш учун хонадонлардан куз-қиш фаслида маҳаллий ўғит ташиб чиқиб, ўз ерларига солишмоқда. Айни дамда турли ҳашаротлар тухумини йўқ қилиш учун чилла суви бериляпти. Экин ерларининг эса шўри ювиляпти. Шу кунларда Бешариқ туманининг 8500 гектар экин ерларининг шўрини ювишда туман ирригация ва мелиорация бўлимлари ишчи ва хизматчиларига фермер хўжаликлари ёшлари, сувчилар яқиндан ёрдам беришаётир.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРНИ БЕРАДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Қоракўлчилик Ўзбекистон учун анъанавий чорвачилик соҳаси ҳисобланиб, Ўрта Осиё регионида бўйича қиёслаганда мамлакатимиз етакчи позицияни эгаллайди. Соҳанинг ҳозирги ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, барча тоифадаги хўжаликларда 2020 йил ҳолатига қоракўл қўй боши сони 5,9 млн. бош бўлиб, соҳанинг асосий маҳсулоти қоракўл тери ишлаб чиқариш 1038,0 минг донани ташкил этмоқда. Қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ихтисослаштириш масалалари ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кечиктирилмасдан қараб чиқилиши ва ечимини топиши зарур. Қоракўлчилик валюта тушумини таъминлаш билан бирга, иқтисодиётда хўжаликнинг бошқа эҳтиёжига ишлатилмайдиган чўл ва ярим чўл яйловларидан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳам жуда фойдалидир. Ҳудудий ихтисослаштирилган қоракўлчиликни жадал ривожлантириш республиканинг чекка туманларида ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожига бевосита таъсир этади.

Хўжаликлараро кооперация ва ихтисослаштириш натижасида ҳудудий қоракўлчилик кичик комплексларида аграр ишлаб чиқариш имконияти яратилган, янги шароит бу муҳим соҳани такомиллаштиришнинг объектив хусусиятларини, унинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва миқёсини ҳисобга олиб, ундан фойдалинишнинг янги, оптимал йўлларини қидиришни талаб этади.

Ҳудудий қоракўлчилик кичик комплексларининг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини қидириш бутун кичик комплекснинг умумий ва асосий ривожланиш мақсади – иқтисодиётни модернизация ва маҳаллийлаштириш шароитида самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш, республика валюта фонди тўлдирилиши ва экспорт эҳтиёжи қондирилиши учун тибиий мўйна бозори талаби конъюнктурасини ҳисобга олиб, юқори сифатли қоракўл териси нуфузи ошишини таъминлашга асосланиши зарур. Бу мақсадни амалга оширишда қоракўлчиликнинг илмий асосланган тизимини сақлаб қолиб, наслчилик корхоналари, наслчилик агрохўжалик-репродукторлари, товар агрохўжаликлари, хўжаликлараро қоракўл боқиладиган махсус комплексларда унинг функциясини таъминлаш ва қайта тиклаш керак. Бундай тадбирлар муайян ташкилий-технологик занжирни таъминлаш имконини беради. Маълум бир хўжалик асосида юқори маҳсулдорли қоракўл қўйи яратиш, товар хўжаликлари учун наслдор қўйларнинг юқори сифатлиларини етиштириш, маълум нусхадаги жингалак ва зарурий рангли, юқори сифатли қоракўл қўзи териларини кенг ишлаб чиқаришни амалга ошириш, қари она қўйлар боқиш кабилар шулар жумласидандир. Ушбу ташкилий ва технологик тузилма хусусийлаштириш жараёнида афзал бўлишига қарамасдан сақланиши шарт.

Асосий ишлаб чиқариш типидаги агрохўжаликлардан келувчи хомашё ҳамда қайта ишлаш соҳасининг тайёр маҳсулоти шартнома муносабатлари доираси ва товар хомашё биржаси орқали параллел ҳаракатланади. Улгуржи савдо битимлари имкониятли товар хомашё биржалари орқали кенгайиши мумкин.

Ҳудудий қоракўлчилик кичик комплексларининг ҳар тарафлама самарали ишлаши бозорни танлашга бевосита боғлиқ. Шундай қилиб ҳудудий қоракўлчилик кичик комплексларни ислоҳ қилиш шу кичик комплексда бозор муносабатларининг ташкил топиши ва ривожланишига кўпроқ қулайлик яратиш имконини беради. Бунда бозор муносабатлари товар хомашё биржалари ва тўғридан-тўғри шартнома асосида уйғунлашади. Ҳиссадорлик ишлаб чиқариш савдо соҳаси корпорациялари тизими орқали қоракўлчилик хўжаликларини тижорат фаолияти доирасига жалб қилиш, ички соҳа тизимини кредитлаш ва соҳавий ҳиссадорлик тижорат банки асосида ташқи инвестицияларни жалб қилиш жараёнлари юзага келади. Шу билан бирга мулкчиликнинг альтернатив шаклларидан оқилона фойдаланиш асосида кичик комплекснинг аграр ва қайта ишлаш соҳалари тузилмасини такомиллаштириш, самарали ишлаётган ихтисослаштирилган хўжаликларда ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришини барқарорлаштириш, кичик қайта ишловчи корхоналар, кичик комплекс маҳсулоти билан боғлиқ халқ эҳтиёжи товарлари ишлаб чиқариши бўйича ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш асосида ривожлантириш керак.

Чекка худудлардаги аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳолини давлат миқёсида иш билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, кичик ва хусусий ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун берилаётган имтиёзлар билан таништириб боришни йўлга қўйиш керак. Қишлоқ аҳолисининг ушбу имтиёзларни яхши билмагани ҳам уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига маълум даражада тўсиқ бўлиши мумкин. Қишлоқ жойларда кам маблағ талаб қиладиган ноқишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли кичик корхоналарни ривожлантириш, тикувчилик цехлари, соҳа маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаш, сақлаш, қуритишга ихтисослашган корхоналарни ташкил этиш, ҳудудларда тадбиркорларга тадбиркорлик ишини йўлга қўйишига фаол ёрдам берадиган бизнес инкубаторлари, ДХА марказлари фаолиятини кучайтириш, зарур малакали кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар коллежлари билан маҳаллий корхона ва ташкилотлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш зарур. Қолаверса, соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари танловини ўтказиш ва танловда ғолиб бўлган лойиҳаларни моддий қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш керак. Шунингдек, "Чекка ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"ни ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ҳ.ҚУВНОҚОВ,
Тошкент давлат аграр университети доценти, и.ф.н.
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги "Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти" катта ўқитувчиси.

Агроинспекция: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ НАЗОРАТДА

Қашқадарё вилоятига ўтган йилда 9 минг бошга яқин наслли қорамол келтирилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қашқадарё вилояти бошқармаси ташаббуси билан журналист ва блогерлар учун ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Маълумотларга кўра, чорвачиликни ривожлантириш бўйича давлат дастурига асосан 2021 йил вилоятга хориждан 8 минг 959 бош наслли қорамол, 23 минг 964 бош наслли қўй ва эчки келтирилган. Улар белгиланган тартибда давлат наслчилик реестрига киритилган. Бу борада ўтказилган таҳлил натижасига кўра, агроинспекция томонидан аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни бартараф этиш тўғрисида 79 та масъул идораларга тақдимнома, 817 та ёзма кўрсатма ва 56 та маъмурий қарор қабул қилинган. 923 нафар соҳага оид масъул шахслар расман огоҳлантириган.

Агроинспекция томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланиш ҳам назоратга олинган. Соҳа инспекторлари томонидан аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилаётир. Вилоятда гидропостлар, сув ажратиш нуқталари, кузатув постлари ҳамда насос станцияларида сувларнинг дастлабки ҳисоб-китоби бўйича юритиладиган олди-берди журналлар рўйхатдан ўтказилган. Сув олиш ва иқтисодиёт тармоқларига сув ажратилиши доимий назоратда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларини тежамкорлик билан сарфлаш борасида ҳам қатор назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, бу борада ўтказилган таҳлил натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни бартараф этиш тўғрисида 104 та масъул корхоналарга тақдимномалар киритилган. 1 минг 302 нафар масъул шахсга ёзма кўрсатмалар ва 1 минг 253 та маъмурий баённома расмийлаштирилган. Ушбу йўналиш бўйича 2461 та корхона ва ташкилотларга огоҳлантириш берилган.

Ўлмас БАРОТОВ,
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(сурат), **ЎзА мухбири.**

Ҳоким ёрдамчилари улуғвор ишларда камарбаста

АКАДЕМИК БАХТИЁР НАЗАРОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Таниқли адабиётшунос олим, ўзбек адабий танқидчилигининг етакчи намояндаларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Бахтиёр Назаров 77 ёшида вафот этди.

Б.Назаров 1945 йил 17 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1966 йили Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тугатиб, меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигидан бошлади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) аспирантурасида таълим олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 55 йиллик илмий педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон энциклопедияси таҳририяти муҳаррири, Фанлар академияси президенти маслаҳатчиси, бош илмий ходими, Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти кичик, катта илмий ходими, бўлим мудири, илмий котиби, директори, Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими илмий котиби, бош илмий котиб ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Ўзбек адабий танқидчилигининг илмий асосларини яратиш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориб, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, унинг раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 20 дан зиёд фан номзодлари тайёрланган.

Б.Назаровнинг XX аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараёнга оид илмий ишлари, дарсликлари, ўнлаб монография ва рисолалари, 200 дан ортиқ илмий мақолалари замонавий ўзбек адабиётининг бадиий савиясини баҳолашда ўзига хос ўрин тутади.

Академик Б.Назаровнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Бахтиёр Назаровнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ, С.САИДОВ

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА ФАКТЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Қуйида шуларни келтириб ўтамиз. Мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари келгуси йилда бўлиб ўтади. Бунгача синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ўтган йилнинг 1-25-ноябрида, 4 та ҳудудда ўтказилди.

Аҳолини рўйхатга олиш пайтида мамлакатда бўлган барча Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш варақаларини тўлдиришда паспортингиз ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг бошқа шаклини кўрсатиш шарт эмас. Бу жараёнида олинган маълумотлар махфий бўлиб, фақат статистика органлари томонидан йиғма ҳолда ишлатилади ва фуқароларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Аҳолини рўйхатга олиш ҳар бир фуқаро учун муҳимдир. Чунки у давлатнинг келажакда ривожланишини белгилайди. Ушбу тадбирда иштирок этиш фуқароларнинг ижтимоий бурчидир.

Аҳолини рўйхатга олиш мустақил Ўзбекистонда илк маротаба ўтказилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Комила ОЧИЛОВА,
Янгиҳаёт тумани статистика бўлими бош мутахассиси.

(Боши 1-саҳифада)

Яқинда давлатимиз раҳбари бошчилигидаги "Маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жорий йилдаги устувор вазифалар"га бағишланган селектор йиғилишида ҳам тумандаги ибратли ишлар ҳақида гап борди. Мамлакат раҳбари туман ҳокими Зулайҳо Маҳкамова билан мулоқот чоғида якунланган йилда тўрақўрғонликлар томонидан эришилган натижаларни эътироф этди. Янги ислоҳотларни амалга оширишда "Тўрақўрғон тажрибаси" бошқа туманларга ҳам ибрат бўлиши, кўзланган самарани беришига ишонч билдирди.

Мухбиримиз Зулайҳо Маҳкамова билан учрашди. Ҳоким "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"даги истиқболли режалар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

"ТЎРАҚЎРҒОН ТАЖРИБАСИ" ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Нафақат соҳаларда, халқимиз ҳаётида, турмуш даражаси, дунёқарашида ҳам кенг кўламда ўзгаришлар юз бераяпти. Туманимизда ҳам фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиқни сақлаш, бандлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, томорқадан унумли фойдаланиш, лўнда қилиб айтганда, барча соҳаларда муҳим қадамларни қўя олдик. Айни кунларда туманимиздаги 67 та маҳаллада "маҳаллабай" ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни белгиланган муддатида амалга ошириш, кўзланган натижаларга эришиш учун астойдил ишга киришганмиз. Бу борада маҳаллаларга олий маълумотли, соҳасида муайян тажрибага эга, ташкилотчилик қобиляти билан танилган 67 нафар ҳоким ёрдамчиларининг бириктирилгани, уларга кўмак бериш учун вазирликдан раҳбар-ходимлар хизмат сафарига юборилгани биз учун кўш қанот бўлди, десам муболаға қилмаган бўламан. Энди улар бизнинг ёнимизга кириб ишлаш имконияти ва хоҳиши бор лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжалиги учун уларга ер майдонилари ажратиш масалаларини ҳал этишда бош-қош бўлади. Одамларга давлат томонидан яратилган молиявий имкониятларни етказиш, тадбиркорликка ва деҳқончиликка ўргатиш орқали уларни қамбағалликдан чиқариш борасида тизимли саъй-ҳаракатлар олиб боради. Улар давлатимиз раҳбари айтганларидек, Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади. Асосий вазифаси маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат. Биз мамлакатимиз тараққиёти йўлида қабул қилинаётган бундай ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз ва самарали фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратиб берамиз.

Иқтисодий ўсишга эришишнинг асосий ва устувор йўналиши этиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ҳар бир ижро органларини тадбиркорларга кўмакчига айлантиришимиз зарур. Бунда, ҳоким ёрдамчилари маҳалла ҳудудидаги тадбиркорларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, мавжуд муаммоларини ҳал этиш, янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил қилиш ҳамда уларда ғояларни шакллантириш, бизнес-режаларни тайёрлаш ва уларни тижоратлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоғи зарур. Ушбу белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳисобига туманимизда жорий йилда 520 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, улар сони 3,1 мингтага етказилади. Банклардан ажратилаётган кредитлар миқдори 2 баробарга оширилади. 144 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1,3 трлн. сўмлик 134 та лойиҳа ишга туширилиб, 1775 та янги иш ўрни яратишни белгилаб олганмиз. Экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ва янги турдаги маҳсулотларни экспортга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилда жами 90 млн. АҚШ долларилик товар ва хизматлар экспортга чиқарилиши ва бу кўрсаткич йил якуни билан 120 фоизга бажарилиши режалаштирилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифлари давомида Наманган шаҳрининг Юксалиш кичик саноат зонаси фаолияти билан яқиндан танишиш чоғида вилоятнинг ҳар бир туман (шаҳар)ида 2021-2022 йиллар давомида барча секторларда биттадан (камида тўртта) кичик саноат зоналарини ташкил этиш, улар сонини 14 тадан 50 тага етказиш бўйича аниқ топшириқлар берилган эди. Ана шу топшириқлар ижроси бўйича "Тўрақўрғон тажрибаси" сифатида туманимизнинг ҳар бир секторида янги кичик саноат зоналари ташкил этилади. Биргина "Шоҳидон" МФЙ ҳудудида фойдаланилмаётган 8,5 гектар майдонда кичик саноат зонаси барпо этилиб, 126 млрд. сўмлик 49 та лойиҳа жойаштирилади ва 1810 та янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, 29,3 гектар ер майдонда янги 15 та катта-кичик лойиҳалар ишга туширилади. Кичик саноат зоналари сони 7 тага етказилади. Шунингдек, тадбиркорликка қизиқиши бор ёшларнинг истакларини амалга ошириш мақсадида қиймати 53 млрд. сўмлик, 1260 та янги ишчи ўринли, 16 та лойиҳага эга "Ёшлар" кичик саноат зонасида ҳам ишлар бошлаб юборилди. Маҳаллаларимизда ташкил этилаётган кичик саноат зоналарида энг биринчи "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу имкониятлар эвазига биз аҳолини қўллаб-қувватласак, қимматли маслаҳатимизни аямасак, далда бўлсак, ер ажратсак, коммуникациясини яхшилаб берсак, бунинг эвазига янги иш ўринлари қўшилади. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилади ва қўшимча даромад манбаи яратилади, турмуши янада фаровон бўлади...

Туманимизда бугунги кунда "Наманган" эркин иқтисодий зонасининг 270 гектарга тенг майдони мавжуд. Унда умумий қиймати 337,9 млн. АҚШ доллари бўлган 6 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. "Тўрақўрғон" ЭИЗ ҳудудида 6 та инвестиция лойиҳасини ишга туширишнинг ҳисобига 4580 та янги иш ўрни яратилишига муваффақ бўламиз. 100 гектар майдонда тўқимачиликка ихтисослашган эркин иқтисодий зона ҳам барпо қиламиз.

Кичик бизнесга мансуб саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш, кооперация алоқаларини ривожлантириш борасида ҳам истиқболли режалар устида иш олиб бораяпмиз. Ўтган йилда 4 та йирик саноат корхоналаримизнинг вилоят саноатидаги улуши 16,7 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда яна 3 та корхонани йириклаштириш эвазига бу кўрсаткични 25 фоизга етказишни мақсад қилганмиз.

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1,3 трлн. сўмлик 134 та лойиҳани ишга тушириб, 1775 та янги иш ўрни яратишни кўзлаб турибмиз. Лойиҳаларнинг ишга тушиши эвазига ўндан ортиқ янги турдаги алюмин профиллари, замонавий трансформаторлар каби маҳсулотлар Тўрақўрғонда ўзлаштирилади.

Жорий йилда 13 та объектда 59,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Туманнинг бош режасига мувофиқ Туркистон, Шарқ, Янгиобод ва Бахт маҳаллаларида 216 хонадондан иборат 4 та кўп қаватли турар-жой, Янги Ўзбекистон массивида 12 та 240 хонадондан иборат намунавий турар-жойлар қуриш мақсад қилиб олинган.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 12 та маҳалла ҳудудида 95,5 км. ичимлик суви тармоғи тортилади, 2 та маҳаллага артизан қудуғи қазиш ишлари учун 2,4 млрд.сўм маблағ сарфланади. Туман аҳолисининг 90 фоизи ичимлик суви билан таъминланади. 37 та маҳаллада зўриқиш билан ишлаётган 25 дона трансформатор янгисига алмаштирилади. 81,8 км. электр тармоқлари янгитдан тортилади. Давлат ва маҳаллий аҳамиятидаги умумфойдаланув автомобил йўлларида 5,5 млрд., ички йўлларда 17 млрд. сўмлик ишлар бажарилади. "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида Соҳилобод ва Обод маҳаллалари учун 15 млрд. сўм ажратилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида, томорқа ва иссиқхоналардан самарали фойдаланиш, такрорий экинлардан мўлкўл ҳосил етиштириш борасида ҳам кластер усулида тизимли ишлар йўлга қўйилади. Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш бўйича инновациялар тизими (AKIS) доирасида "Ягона дарча" тамойили асосида фаолият олиб борадиган давлат муассасаси шаклидаги "Агрохизматлар маркази" ташкил этилади. Соҳага инновацион технологияларни жорий этиш ишлари ҳажми ўтган йилга нисбатан икки баробарга оширилади. Жами 1938 гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда суғориш жорий қилинади.

2022-2026 йилларда мактабгача таълим ташкилотлари сони 439 тага, қамров 95,1 фоизга етказилади. 330 ўринли янги мактаб барпо этилади, 4 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилади, 2 та мактабга спорт зали қурилади. Халқ таълими тизимида ўқитувчилар сифат таркибини яхшилаш, мактабларда таълим жараёнларининг юқори босқичга олиб чиқилиши таъминланади. 2022 йилда таълим муассасалари сони яна 62 тага оширилади. Шунингдек, таълим сифати паст, моддий-техника таъминоти етарли бўлмаган умумтаълим мактаблари "намунали мактаблар"га айлантирилади. Соғлиқни сақлаш муассасалари 17 тага кўпайтирилади. Хусусий саломатлик марказлари 24 тага оширилади. Аҳолининг яна камида 22 фоизи спортга қамраб олинади, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолининг умумий сони 63 фоизга етказилади. Ташкилотлар, туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ва бошқа меҳнат жамоалари спортга жалб этилади ҳамда мунтазам спорт мусобақалари ўтказиб борилади. Зиёрат туризмини янада ривожлантириш, сайёҳлари оқимини кўпайтириш мақсадид "Гулистон" МФЙда "Dengiz Tulpori" МЧЖ томонидан умумий қиймати 20 млрд. сўм бўлган йилқичилик, наслчилик ва от спорти ўқув маркази ташкил этилади ва 60 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Юқоридаги факт ва рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, жорий йилда туманимизда барча йўналишларда бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Тўрақўрғоннинг ҳар бир қарич ерида яратиш, "яшил макон"га айлантиришдек умидбахш лойиҳалар рўёбга чиқарилади. Бунда Президентимиз тилга олган "Тўрақўрғон тажрибаси" ўзининг ижобий самарасини беради. Улуғвор ишларда катта умидворлик билан кўз тикаётганимиз – ҳоким ёрдамчилари бизга қўш қанот бўлади, албатта.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ суҳбатлашди.

ФУРСАТ ОЗ, ТАДБИР ЭСА МУҲИМ

Минтақада кузатилаётган сув танқислиги сабабли Оролбўйи ҳудудларида жорий йилги шўр ювиш тадбирлари февраль ойида бошланиши режалаштирилган. Қорақалпоғистонлик сувчилар ушбу тадбирни қисқа муддатларда, сифатли бажариш учун айни кунларда сув хўжалиги объектларида таъмирлаш-тиклаш ва ички суғориш тармоқларини қазиш ва тозалаш ишларини жадал олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга ҳудудларда шўр ювиш учун ер тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ҳар бир ҳудудда кўргазмали семинарлар ташкил қилиш мақсадида соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Нукус туманида ўтказилган кўргазмали семинарда ҳудудга бириктирилган ишчи гуруҳ раҳбари, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи А.Юлдашев, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги мутахассиси Қ.Арзуев, туман ирригация бўлими бошлиғи А.Жолимбетовлар сув истеъмолчиларига амалга оширадиган вазифалари юзасидан топшириқлар берди.

– Экин майдонларида белгиланган муддатларда шўр ювишни амалга ошириш учун далаларни сифатли тайёрлаш, лазер ускунаси ёрдамида текислаш энг муҳим тадбирлардан саналади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигидан ишчи гуруҳга бириктирилган мутахассис Қуралбай Арзуев. – Жорий мавсумда шўр ювишга ажратилган вақт ҳам, сув ҳам олдинги йилларга нисбатан камлигини кўпчилик билиб турибди. Ўтказилаётган кўргазмали семинарларда кластер ва фермер хўжаликлари вакилларига сув олиш қулоқларини таъмирлаш, далаларини текислаш, чел олиш ҳамда шўр ювишга етарли миқдорда сувчиларни жалб қилиш каби муҳим вазифалар тушунтирилмоқда.

Таъкидланганидек, фурсат оз, шўр ювиш тадбири эса муҳим. Шу боис бу каби тадбирлар барча туманларда ўтказилмоқда. Семинарларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, сув хўжалиги объектларида куз-қиш мавсумидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳам муҳокама этилиб, амалга ошириладиган муҳим вазифалар белгилаб берилмоқда.

Ғ.ОТАЖОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби.

Тарих ҳақиқати ва адолатнинг тикланиши йўлидаги дадил қадам
СамДУга Шароф Рашидов номи берилди

СамДУ ИСТИҚБОЛИНИ КАФОЛАТЛАГАН ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Самарқанд қадимдан илм-маърифат, маънавий ва моддий маданият маркази сифатида жаҳон тарихида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб келган. Ер юзининг сайқали бўлган ушбу шаҳар БМТ томонидан жаҳондаги 50 та энг гўзал шаҳарлар рўйхатига ҳам киритилган. Самарқандда фаолият юритаётган олий ўқув юртлари талайгина бўлса-да, Самарқанд давлат университети нафақат вилоятдаги, шунингдек, мамлакатимиздаги энг тўнғич олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади.

Шодмон ҲАЙИТОВ,
Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

Вилоятда ҳозирда фаолият юритаётган тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт ва сервес, чет тиллар институтлари мазкур илм даргоҳи базасида ташкил топган. СамДУда турли йилларда машҳур академик И.Мўминов, Я.Ғуломов, В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, С.Умаров, У.Орифов, Қ.Зокиров, Ш.Воҳидов каби олимлар таҳсил олишган. Улар яратган мактаблар профессорларининг юзлаб таркиби республикамиздаги ўнлаб олийгоҳларда фаолият юритиб, илм-фан ва таълим ривожига муносиб ҳисса қўшишган ва қўшиб келишмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг таниқли ёзувчи ва шоирлари Амин Умарий, Миртемир, Ҳасан Пўлат, Ҳамид Олимжон, Асқад Мухтор, Ойдин, Душан Файзий, Омон Матжон, Н.Нарзуллаев, Б.Бойқобиловлар ушбу университетнинг собиқ талабалари бўлишган. Хуллас, СамДУ илм ва таълим соҳасида ўз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган каттакон китобга арзигулик саҳифаларга эгадир. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур олий даргоҳнинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган истиқболли ривожланиш билан боғлиқ "Йўл харитаси"ни белгилаб берди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши айни муддао бўлиб, ҳозирги кунда университет фаолиятини жаҳон андозалари асосида йўлга қўйиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Қарорда атоқли давлат ва жамоат арбоби Ш.Рашидов номининг университетга берилиши ҳам тарих ҳақиқати ва адолатнинг тикланиши, бугунги авлоднинг аждодлар олдидаги қарзини адо этиш йўлидаги дадил қадамдир. Ҳаёти ва фаолияти, юксак маънавияти, адолатли раҳбар сифатида ибрат-намуна бўлган Ш.Рашидов, қолаверса ушбу улуғ даргоҳнинг собиқ талабаларидан бири бўлган.

Қарорда 2026 йилга қадар университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи мингталик рўйхатга киритиш, университет фаолиятини рақамлаштириш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, лавозим бўйича университет проректорига тенглаштирилган трансформация офиси раҳбари лавозимини ва трансформация офисини ташкил этиш, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнларини кредит-модуль тизимида олиб бориш, хориж билан ҳамкорликни кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар малакасини оширишни такомиллаштириш, докторантура таҳсилини кенгайтириш, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш, электрон бошқарувга ўтиш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, Президент 5 ташаббуси марказини тузиш каби кўпдан-кўп вазифалар белгилаб берилди. Хориждаги нуфузли олий ўқув юртлари ва илмий марказлар билан ҳамкорликка эътибор ҳам қатъий асосда кўрсатиб берилди. Бу борада Самарқанд давлат университетида истиқлол йилларида бой тажриба тўпланди. Университет Россия Федерациясининг М.Л. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва Бошқирдистон университети, Германиянинг Бремен, Хайдельберг, Гамбург ва Бонн университетлари билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаган. Университетнинг физика факультети олимлари Германиядаги Хайдельберг университети ҳузуридаги физика институти билан оптика, қаттиқ жисмлар физикаси йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борса, тарихчи ва шарқшунос олимлар Гамбург ва Бонн университетларидаги ҳамкасблари билан Шарқ қўлёзмалари таҳлили устида самарали ишламоқдалар. Университетнинг механика-математика факультети профессорлари С.Лақаев ва И.Икромов Германия илмий жамияти гранти асосида "Шреденгер операторлар назарияси" ва "Тебранувчи интеграллар" бўйича илмий изланишларда салмоқли илмий натижаларга эришди. Европа иттифоқи томонидан молиялаштирилган ИНТАС дастури асосида "Марказий Осиё мамлакатларининг меҳнат ресурслари ва имкониятлари" мавзусидаги фундаментал тадқиқот университет иқтисодчи олимлари томонидан амалга оширилди. "Умид" жамғармаси ғолиби, университет талабаси Машраб Қувватов Бремен университети магистратураси ва докторантураси, 2007 йилда атмосфера физикаси бўйича Германияда докторлик (PhD) илмий даражасини олди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Президент қарорида университет битирувчиларининг қўшма магистратура, хорижда докторантурада таҳсилини янада кенгайтириш асосида рақобатбардош, юқори салоҳиятли илмий малакали кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб қилиб қўйилди.

Қарорда СамДУ ҳузурида агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти, муҳандислик физика институти, педагогика, ахборот технологиялар бўйича кадрлар тайёрловчи Ургут филиалини ташкил этиш қайд қилинган. Юқорида номлари зикр этилган илм даргоҳларининг очилиши тасодифий эмас, балки ҳаётий заруратдир. Ҳозирги пайтда экологик муаммоларнинг кескин тус олиши, пандемия авж олган бир пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Ер юзида йилдан-йилга кучайиб бораётган очарчилик хавфи, 2 миллиарддан ортиқ аҳолининг тўйиб овқатланмаслиги, экоген, эндоген жараёнларнинг авж олиши, кишиларнинг кундалик истеъмоли 30 фоизини мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ташкил этиши агрономия соҳасини ривожлантиришни тақозо қилади.

Самарқанд вилояти ўз ландшафти жиҳатидан ҳам воҳа, ҳам тоғ ва тоғолди ҳудудига киради. Бу заминда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва лалмикор деҳқончиликни бирдек йўлга қўйиш, тупроқ каррозиясининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини оширишдек долзарб, ечимини кутаётган муаммолар бисёр. Тўғри, истиқлол йилларида вилоятда агротехника соҳасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Вилоятда хорижий олимлар, фирма ва компаниялар билан ҳамкорликда ғўзанинг саноат ва деҳқончилик навларидан "Оқдарё-5", "Оқдарё-6", "Омад" навлари яратилди, бирламчи элита уруғчилик ташкил этилди. Ушбу навлар тола сифати паст бўлган "Қирғиз-3", "Фарғона-3" навлари ўрнига кенг далаларда экила бошланди. АҚШнинг Калифорния штати ва Ҳиндистондан узумнинг янги навлари келтирилиб, иқлимлаштирилди. Бу эса азалдан узумчиликда устаси фаранг ва миришкор бўлган Самарқанд деҳқонларига қўл келди. Японияннинг "Фуджи" навли олмаси, "Акатцуим" навли шафтолиси маҳаллий шароитларга иқлимлаштирилиб, томчилаб суғориш асосида боғлардан мўл-кўл ҳосил олинди. Цикория экининнинг Индонезия ва Шарқ мамлакатларидан келтирилиб, Самарқанд вилояти далаларида етиштирилиши агротехника соҳасида гўёки бир "мўъжиза" бўлди. Ушбу ўсимликдан кофе (қаҳва) олинади, шунингдек, тиббиётда қанд касалига қарши дори-дармонлар ҳам тайёрланади. Маълумки, иссиқхона хўжалиги кенгайиши билан сабзавот экинлари уруғларининг йўқолиб бориш хавфи ошиб, уларни бу уруғдан кўкартириш унутилаёзди. Самарқандда илк бора Италиядан келтирилган махсус сеялкада уруғдан экилиб, 90 кунда пишиб, етиладиган, ҳар бир гектардан 100 тоннагача ҳосил олинадиган помидорнинг 4 та янги нави иқлимлаштирилди. Илгари экилиб, кейинчалик эътибордан четда қолган исмалоқ, шивит, петрушка, бақлажон, чия, батат, пастернак, паррей пиёзи каби қимматбаҳо, шифобахш ва экспортбоп экинлар экилмоқда. Юқорида қайд этилиб, ижобий ўзгаришлар майдони ва салмоғини кенгайтиришда университет ҳузурида иш бошлайдиган агробиотехнологиялар институти ва муҳандислик институти кабиларнинг хизматлари беқиёс бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Хуллас, мазкур қарор университет мақомини етук ва ривожланган мамлакатлардаги олий даргоҳлар поғонасига кўтаришда, юксак ривожланиш истиқболларини забт этиш вазифаларини бажаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Унинг ижросини таъминлаш эса, университет жамоасининг фидойилиги, шижоати, ташаббускорлиги, таълим ва тарбия ишини муқаддас билиб, Ватан равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ – КЕЛАЖАК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

(Боши 1-саҳифада)

2015 йилда БМТнинг "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюцияси қабул қилиниб, 2020 йил раундига старт берилган эди. Бу раунд 2015 йилдан 2025 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон ҳам ўз аҳолисини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни режалаштирган давлатлар қаторидан жой олди ва БМТ томонидан рўйхатга олинди. Бироқ коронавирус пандемиясининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши кўплаб ҳолатлар сингари аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Аксарият мамлакатларда бу тадбирларнинг муддати ўзгартирилди. Юртимизда ҳам 2022 йилда ўтказилиши режалаштирилган ушбу тадбир 2023 йилнинг 1-25 ноябрь кунларига кўчирилди.

Аҳолини рўйхатга олиш, аввало, давлат ёки ҳукумат эмас, балки жамиятнинг ўзи учун зарур бўлиб, у вақтивақти билан ўз-ўзини кўзгуда кўриш орқали ривожланиш натижаларини баҳолаш имкониятидир. Рўйхатга олишда қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим эта туриб, ўзлари мансуб бўлган кишилар гуруҳига тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Мисол учун, ишсизларнинг сўровномадаги жавоблари меҳнат бозорини ўрганиш ва айнан керакли жойда янги иш ўринлари яратиш имконини берса, болалар сони тўғрисидаги маълумотлар мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва шу каби муассасалар қурилиши режаларини тузишда қўл келади. Ёш ҳақидаги маълумотлар пенсияга чиқадиганлар сони, уларнинг пенсия тўловлари учун зарур бўладиган маблағларни жамғариб бориш имконини беради. Ҳар йили мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари ёки олий таълимга қабул қилинадиган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам худди шундай шаклланади. Яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар эса ҳар биримизнинг уйимизгача келадиган йўллар қурилиши, коммуникациялар билан таъминлашни режалаштириш учун зарур. Мамлакатимизда синов тариқасида жорий йилдан бошланган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2023 йилда ўтказиладиган рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўришнинг муҳим босқичи бўлди. Мазкур амалиёт услубий, техник ва ташкилий масалаларни қайта кўриб чиқиш имконини бергани боис, унда қанча кўп респондентлар (аҳоли) қатнашса, шунча кўп камчиликларни аниқлаш ва тузатишга шароит туғилади ва республика даражасида бўладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг сифатли ва самарали ўтказилиши таъминланади. Мазкур ишларни сифатли ташкил этиш мақсадида жойларда махсус гуруҳлар ташкил этилиб, жараёнлар аниқ ва тизимли йўлга қўйилади. Рўйхатга олувчилар ишини мувофиқлаштириш учун ҳар бир инструкторлик участкасида 1 нафар инструктор ва 1 нафар стационар рўйхатга олувчи фаолият юритади. Уларнинг ишини рўйхатга олиш участкаси ходимлари назорат қилади. Яшаб турган хонадонида (жойида) рўйхатдан ўтишни истамаган респондентлар инструкторлик участкасида фаолият юритувчи стационар рўйхатга олувчи ходимларга мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади. Туман ва шаҳар миқёсида аҳолини рўйхатга олиш ишларини назорат қилиш учун ҳудудларда аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ташкил этилади. Жараён якунига етказилгандан сўнг ҳудудий статистика бошқармалари қошида Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини электрон базага киритиш марказлари ташкил этилади.

Ушбу тадбирларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар орқали нафақат ўзимиз, балки келажак авлод учун муҳим маълумотларни тўплашга эришамиз. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари мамлакатимизнинг кейинги демографик ва ижтимоий сиёсатини белигилаш билан бирга, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ҳамда дастурларини тузишда кенг қўлланилади. Кейинги ўн йилликка мўлжалланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантириш, шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар ва уй-жой қурилишини режалаштиришда фойдаланилади.

Рўйхатга олиш натижасида шакллантириладиган мамлакатдаги иш берувчилар ҳақидаги маълумотлар хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўл очади. Бизнес вакиллари рўйхатга олиш маълумотлари орқали меҳнат ҳамда истеъмол бозорининг ҳолатини баҳолаш, талаб ва таклифлар эҳтиёжини аниқлаш имконига эга бўлади. Лўнда қилиб айтганда, аҳоли тўғрисида тўпланадиган маълумотлар мамлакатни янада тараққий эттиришга, жаҳон майдонида Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини акс эттиришга хизмат қилади.

Акмал ҚОБИЛОВ,
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бош мутахассиси.

Эълон

Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 73-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Тураев Аброр Иброхимович номига берилган O'R -Z № 1428750 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-147. 1719 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.40